

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 17 ИЮНЬ КУНИ НЕФТЬ-ГАЗ, КИМЁ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ИЖРОСИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 20-ИЮН, №25 (1170)

**НАМАНГАНДА
БАНД БЎЛМАГАН
ЁШЛАРДАН
2-ЛИГА ФУТБОЛ
ЖАМОАСИ
ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.**

**«НАВОИЙ»
ЧЕГАРА
БОЖХОНА
ПОСТИ ХОДИМИ
ПОРА БИЛАН
КЎЛГА ТУШДИ.**

**БОҒЧА
МУДИРАСИ
100 МИЛЛИОНГА
ЯҚИН МАБЛАҒНИ
ЎЗЛАШТИРГАН.**

**МИБ
ХОДИМЛАРИГА
НИСБАТАН ЯНА
БИР ЗЎРАВОНЛИК
ХОЛАТИ КАЙД
ЭТИЛДИ.**



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Афғонистон Ислom Республикаси Бош прокурори Мохаммад Фарид Хамиди бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув давомида меҳмонларга прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди.

Иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Афғонистон Ислom Республикаси Бош прокуратураси ўртасидаги ҳамкорлик профессионал алоқаларни йўлга қўйиш ва шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш орқали изчиллик билан ривожлanaётгани таъкидланди.

Сўхбат асосида томонлар ўзаро манфаатли бўлган кенг қамровли масалаларни муҳокама қилдилар ва идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашдилар. Хусусан, Афғонистон прокуратураси органлари ходимларини Ўзбекистон Бош прокуратураси Академиясида ўқитиш масаласи муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Афғонистон Ислom Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг амалда татбиқ этилиши ҳуқуқий соҳада ахборот ва илгор тажриба алмашиш орқали икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишини янги bosқичга кўтаради.

Афғонистон делегациясининг ташрифи шаклланган сермахсул алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам экани қайд этилди.

Учрашув якунида жаноб Хамиди самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

Бош прокуратуранинг Жамoатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

Бош прокуратура томонидан Андижон шаҳрида бир неча аёлларнинг бепул коттеж олгани тўғрисида интервью беришга мажбурлангани ҳақида ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинган ҳамда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган хабарлардаги важлар ўрганиб чиқилди.

Андижондаги кўзбўямачилик

Аниқланишича, эҳтиёжманд шахсларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Андижон вилояти Хўжаобод тумани Хўжаобод массивида 2 соҳилли жами 592 та коттеж қурилиши якунига етказилган.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида вилоят ҳокимлигининг масъул шахси "Мустақиллик тикувчилик мажмуаси" МЧЖнинг уй-жойга муҳтож бўлган 6 нафар ишчисига (Х.Тиллаева, М.Раҳимова, Ш.Бакирова, Х.Эрматова, З.Абдувалиева ва Д.Ходжиматова) мазкур ҳудудда қурилаётган коттежлардан совға сифатида биттадан берилишини маълум қилган.

Кейинчалик, "Ўзбекистон 24" телеканали орқали 2019 йил 31 март, 3 май ва 16 май кунлари юқоридаги ишчилар иштирокида, уларга совға сифатида коттеж берилгани ҳақида лавҳалар кўрсатилган. 16 май куни улар оила аъзолари билан бирга ушбу коттежларга киришиб қўйилган.

Давлат раҳбари ташрифи доирасида фақат ишчилардан бирига (Д.Ходжиматова) коттеж совға қилинган. Ташрифдан сўнг вилоят ҳокимлиги масъул шахсининг талабига биноан қолган 5 нафар ишчи (Х.Тиллаева, М.Раҳимова, Ш.Бакирова, Х.Эрматова ва З.Абдувалиева) қурилаётган 4 қаватли уйлardan хонадон ажратishi ваъда қилинган ҳолда коттежлардан кўчирилган.


Шундан сўнг улар қатор давлат ташкилотларига мурожаат қилган. Х.Тиллаеванинг ҳокимият уларни алдагани ҳақидаги мурожаати ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган.

Уларнинг мурожаатларидан сўнг, 2019 йил 22 майда "Мустақиллик тикувчилик мажмуаси" МЧЖ томонидан уларнинг иш ҳақлари ва корхона даромадлари ҳисобидан 4 қаватли уй-жой учун дастлабки бадал тўлови ўтказилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Андижон вилояти ҳокимлиги мутасаддилари 5 нафар эҳтиёжманд ишчига коттеж берилишини ваъда қилиб, улардан бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида интервьюлар олинишига эришган. Коттежларга уларни уй эгаси сифатида киритиб қўйиб, бироқ якунда уларга коттеж ажратмасдан, кўзбўямачиликка йўл қўйилган.

Ўрганиш натижалари юзасидан Бош прокуратура томонидан Андижон вилоят ҳокими номига судлик билан айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини хал қилиш ҳамда бу каби ҳолатларга чек қўйиш чораларини кўриш тўғрисида тақдирнома киритилди.

Бош прокуратуранинг Жамoатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



**ГАЗ,
ҚАРЗ ВА
АРЗ**

ФУҚАРОЛАРГА ҚАРЗДОРЛИГИ ЙЎҚЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА БЕРИБ КЕЛГАН КОРХОНА БУГУН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЛАРНИ ҚАРЗДОРГА ЧИҚАРИШИ МУМКИН?!

6-бетда

ЗУЛФИЯ МУКОФОТИ НЕЧА ПУЛ?



МУҚАДДАМ
БИР НЕЧА БОР
ЖИНОЯТ СОДИР
ҚИЛГАН ШАХС
НУФУЗЛИ
ТАНЛОВГА
МАСЪУЛ ЭТИБ
БЕЛГИЛАНГАН.

8-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида прокуратура органларининг 2019 йил ўтган беш ойи давомидаги фаолияти натижаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда миллий ҳуқуқ тизими тақомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Таъкидлашicha, давлат ҳокимиятининг халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Жиноят ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундай чоралар натижасида ўтган даврда жиноятчилик 30,4 фоизга қамайган.

Таълим тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 22 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 50 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, прокурор қарори ва тақдимномалари асо-

сан прокурорлар, 31251 нафари прокурор ўринбосарлари қабулида бўлган, 36 881 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари сайёр ва оммавий қабулда, 45 нафари видеоконференцалоқа воситалари орқали қабул қилинган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалари оғида жиноят ишлари бўйича берилган ҳаракатларини ўтказиб беришда ҳуқуқий ёрдам сўраган хорижий давлатлар ваколатли органларининг жами 175 та илтимосномаси ўрганиб чиқилиб, ижрога қаратилиши таъминланди.



ANJUMAN

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

сида 50 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, 50,6 миллион сўмлик етказилган зарарлар ихтиёрий қопланган.

Тадбирда прокуратура органларига қарийб 220 минг мурожаат тушгани, уларнинг 62,8 фоизи бевосита прокуратура органларида ҳал этилгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини виртуал ва Халқ қабулхоналаридан (pp.gov.uz) прокуратура органларига юборилган 31203 та мурожаатлардан 25897 таси бевосита прокуратура органларида қўриб чиқилган.

Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш марказига жами 65601 та мурожаатлар келиб тушган. Мазкур мурожаатларни қўриб чиқиш давомида қонун талабларига номувофиқ бўлган ҳужжатларга нисбатан 33 та протест, 18 та тақдимнома киритилиб, 76 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, кўпал қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят иши кўзга тутилган.

Прокуратура органлари ходимлари томонидан республика бўйича 133784 нафар фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган. Шунингдек, 45175 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шах-

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН

3 497 та жиноят иши қўзғатилган.

Шундан:

2 462 та жиноят иши тамомланган.

2 881 та нафар шахсга нисбатан

1 844 та жиноят иши судга юборилган.

Жиноятчилик **27,6 %** қамайган

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида:

417 та мансабдор шахсларга нисбатан

420 та жиноят иши қўзғатилган.

Жинояти фош қилинган мансабдорларнинг **5** нафари республика, **17** нафари вилоят, **262** нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазириллар, идоралар ҳамда қорхона ва ташкилотларда ишлаб келган.

Мазкур жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига **35** млрд. **652** млн. **726** минг сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Тергов жараёнида ушбу зарарнинг **25** млрд. **160** млн. **870** минг сўми ундирилган. (ёки **70,5 %**)

Прокуратура органлари аралашуви билан **920** нафар фуқаронинг кечиктирилган **2,5** млрд. сўм иш ҳақлари, **52** нафар фуқаронинг **36,9** млн. сўм пенсияси, **26** нафар фуқаронинг **12,4** млн. сўм нафақа пуллари ундирилган.

Прокуратура органларига қарийб **220** минг мурожаат тушган бўлиб, уларнинг **62,8** фоизи бевосита прокуратура органларида ҳал этилган

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жиноятлар содир этиб, чет элларга қочиб яширилган жами 212 нафар шахсни ушлаб бериш (экстрадиция) тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилиб, уларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар талабларига мувофиқ хорижий давлатлар ваколатли органларига юборилиши таъминланди. Сўровномалардан юзасидан ўтган 5 ой мобайнида жами 130 нафар шахс Ўзбекистон Республикасига этап қилиб олиб келиниб, жавобгарлик муқарраллиги таъминланди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида Бош прокуратурада халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва элчи-хоналаридан 30 та делегация қабул қилиниб, улар билан халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокуратура томонидан ҳисобот даврида жамият ҳаётининг турли соҳаларига оид 30

тага яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 17 таси қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, ушбу даврда 2 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони

Шерали МАҲМУДОВ,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори

ва 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори ҳамда 3 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Албатта, жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш баробарида жамоатчилик билан алоқалар соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Бош прокуратуранинг расмий сайтига жами 116 та фаолиятга оид маълумотлар амалга оширилган тадбирлар, тезкор хабарлар, қонунчиликдаги янгилликлар ҳамда бошқа муҳим ахборотлар жойлаштирилган. Иجتимой тармоқлардаги "Facebook", "Telegram" ҳамда "Instagram" саҳифаларига ҳам 300 дан ортиқ маълумотлар жойлаштириб борилган.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, иجتимой тармоқларда ўтказилган мониторинг натижасида прокуратура органлари аралашувини талаб этувчи жами 518 та танқидий материаллар аниқланган бўлиб, ҳолатни ўрганиш чикиш мақсадида тегишли ҳудудлар ҳамда тармоқ прокуратура органларига юборилиб, муносабат билдирилган, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар вазиятлар батафсил ўрганиб чиқилиб, қонун доирасида чоралар кўрилиши таъминланган.

Тадбирда масъуллар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

TADBIR

Ассосиз қарздорлик қаердан келиб чиқмоқда?

Жорий йилнинг 19 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятининг тақомиллашуви ва ассосиз қарздорликнинг келиб чиқиши масаласида брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда, Бюро директори ўринбосари Содиқжон Бердалиев, Бюро марказий аппарати, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят бошқармалари масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 май кунги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юртиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги Фармони билан ташкил этилган.

Бюро ташкил этилгандан буён 54,5 триллион (электр энергияси — 26,7 триллион, табиий газ — 26,2 триллион, ичимлик суви — 1,5 триллион, маиший чиқинди — 90 миллиард) сўм ундирилди. Бу кўрсаткич Бюро ташкил этилмасдан олдинги кўрсаткичга нисбатан 68 фоиз кўп демакдир.

Шунингдек, суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлаш борасида 30,6 триллион сўмга яқин ундирув амалга оширилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Бюро даврида ундирув 51 фоизга ўсган.

Бюро фаолиятини бошлаган вақтдан буён долзарб масалалардан бири — бу, албатта, но-реал ёки ассосиз қарздорликлар ҳисобланшининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолатлардир. Таҳлиллар, ассосиз қарздорликлар муқаддам таъминотчи қорхоналар томонидан истеъмолчилар тўлиқ қўриқдан ўтказилмаганилиги, энергия ресурслари ва сувнинг талон-торож қилиниши ҳамда уларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнидаги табиий йўқо-тишларнинг истеъмолчилар зиммасига қарздорлик сифатида ҳисобланиши сабабли юзга келганини кўрсатмоқда.

Бюро органлари томонидан истеъмолчиларни тўлиқ қўриқдан ўтказиш бўйича республика миқёсида ишчи гуруҳлар тузилиб, аниқланган ассосиз қарздорликларни ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда истеъмолчилар зиммасидан олиб ташлаш чоралари кўрилмоқда. Бюро органлари томонидан фаолиятини бошлагандан ҳозирга қадар 1 триллион 342 миллиард сўм но-реал қарздорлик бўйича 243 та жиноят иши кўзга тутилган.

Соҳадаги аниқ механизм ва иш самарадорлигини таъминлаш мақсадида бир қатор замонавий комплексли дастурлар — "E-ijro auktsion", "MIB-Portal", "MIB-Inspektor", ҳисоботларнинг ягона портали каби янги электрон дастурий тизимлар яратилди. Ахборот алмашинуви бўйича 23 та вазириллик ва идоралар билан электрон ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг базалари билан интеграция қилинди. Алимент тўлови бўйича қарздор шахслар билан ўтказилган профилактика ва тушунтириш ишлари натижасида 6 минг

Фаррух ТОШПУЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи


372 та оила яраштирилди. Бюро ходимлари ўз вазифаларини бажаришда айрим фуқаролар томонидан қаршилик кўрсатиш ҳолатларига ҳам дуч келишмоқда. Ўтган даврда қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ 319 та ҳолат аниқланиб, айбдорларга қонуний чоралар кўрилди.

Бюро томонидан шунингдек, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳам жадал олиб борилмоқда. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб, Бюро Суд ижросчиларининг халқаро иттифоқи аъзолигига қабул қилиниб, халқаро майдонда ўз мавқега эга бўлмоқда.

Брифинг давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари кезиқтирган ва жамоатчилик эътиборида бўлган долзарб саволларга Бюро раҳбарияти ҳамда масъул ходимлар атрофида тушунтиришлар беришди.

БЕШ ТАШАББУС – ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Бугунги глобаллашув жараёнлари ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини кўрсатиб турибди.



Президентимиз раислигида жорий йилнинг 19 март кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўзини олмаган 5 та муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш бўйича бирламчи вазифалар белгилаб берилди ҳамда уларга асосан ҳар бир йўналиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Дастур ижроси доирасида шаҳар-туман прокурорлари секторларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биринчи ташаббус доирасида ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида прокурорлар секторларидаги 163 та умумтаълим мактабларининг 4 217 нафар ўқувчилари турли тўғарақларга жалб этилди. Биргина, Учкўрғон туман прокурори секторидagi 12 та умумтаълим мактабидa ашула, эстрада хонандалиги, тасвирий ва театр санъати, 3 та умумтаълим мактабидa эса миллий чолғу тўғарақлари ташкил этилиб, уларга 760 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинди.

Ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, унинг маданий савиясини ривожлантириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бугуннинг устувор вазифаларидан саналади. Шу маънода Норин туман прокурори секторидa жойлашган "Туда" маданият марказида "Бойчекчак" болалар, "Парвоз" ўсмирлар ҳамда "Ифтихор" ёшлар ижодий жамоалари ташкил этилиб, уларга 45 нафар ёшлар қамраб олинди. Марказда ёшлар театр студияси ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Косонсой туман прокуратураси ҳам ажойиб ташаббусга қўл урди. Жорий йилнинг 2 май кuni ногиронлиги бор яқка тар-

тибда таълим олувчи 11 нафар ўқувчи, 9 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда 11 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг набиралари учун Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига экскурсия ташкил этилди. Шунингдек, прокурорлар секторларидаги 16 та маданият марказидан 4 тасида 1,9 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилди. Қолганларида эса таъмирлаш жараёнлари давом этмоқда. Жумладан, Тўрақўрғон туман прокурори секторидa жойлашган, 51 357 нафар аҳолига хизмат кўрсатувчи "Янгиобод" МФЙдаги Маданият марказида "Обод Марказ" дастури доирасида 11,6 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Спорт инсонни чиниктириб, соғломлаштириши билан бира, халқни, миллатни дунёга танитади. Иккинчи ташаббуснинг айнан шу жиҳатлар билан ҳамоҳанглигида ҳам бир хикмат бор. Мазкур йўналиш бўйича прокурор секторлари-

торидаги "Элатан" маҳалла фуқаролар йиғинида "Мавлуда-Матлуба" МЧЖ томонидан имтиёзли банк кредити ҳисобидан кириш футбол майдончаси унинг ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Поп туман прокурори секторидa 5 нафар ташаббускор тадбиркор томонидан имтиёзли банк кредити асосида сунъий қопламали футбол майдончаси, аёллар фитнес клуби, тренажёр зал ҳамда суизи ҳавзаси қурилмоқда. Бундан ташқари, Поп туман прокуратураси ташаббуси билан "Гурумсарой" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган футбол ўйингоҳида банд бўлмаган ёшлардан 2-лига футбол жамоаси шакллантирилиб, 200 нафарга яқин ёшлар спортнинг футбол тури билан шуғулланишлариغا шaroит яратилди.

ЎХАР БИР ҲУДУДГА 1 МЛН. ДОНАДАН КИТОБЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

Техника асрида яшашимиз. Бу жараёнда компьютер технологиялари саводхонлиги жуда муҳим эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Шу бoис, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида прокурор секторларида жойлашган умумтаълим мактабларининг 33 таси, мактабга таълим муассасаларининг 9 таси ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг 9 таси оптик толали кабелларга уланди. Шунингдек, ташаббус доирасида Тўрақўрғон туман прокурори секторидa жойлашган "Исҳоқон Тўра Ибрат" хиббо-

Этиборли жиҳати, янги спорт иншоотларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлашга ташаббускор тадбиркорлар жалб этилмоқда. Жумладан, Учкўрғон туман прокурори сек-

нида, "Тонг" супермаркети ва Маданият саройларида "Wi-Fi" тармоғи орқали бепул хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Маълумки, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларида тўлиқ акс этган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадий, тарихий, илмий, оммабop мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очил ҳам белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давомида вилоятимиз ёшларига 1 миллион донa китоб совға қилинган бarchани қувонтирди. Айни пайтда мазкур китоблар вилоятнинг барча туманларига, чекка-чекка қишлоқларига етказиб берилмоқда. Мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят прокуратурасининг 190 нафарга яқин ходими томонидан ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини янада кучайтириш мақсадида ўзлари таълим олган умумий ўрта таълим муассасаларига 4000 донадан ортиқ турли хил мазмундаги адабиётлар топширилди. Шунингдек, вилоят марказидан 73 км. узоқликдаги Поп тумани 2-секторидa жойлашган "Қандиғон" маҳалла фуқаролар йи-

Аҳмадjon ТўХТАСИНОV,
Наманган вилоят прокурорининг ўринбосари

ғини ҳудудидаги туман маданият бўлимига қарашли маданият ва аҳоли дам олиш масканида вилоят прокуратураси ташаббуси билан зиё маскани ташкил этишга киришилди. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилиб, мазкур кутубхона жорий йилнинг 25 май кuni тантанали равишда очилди ва фойдаланишга топширилди. Шуниси аҳамиятлики, мазкур кутубхона барча зарур моддий-техник база билан таъминланган.

Бу масқанда электрон кутубхона хизмати йўлга қўйилди, янги чоп этилган 4 500 дан ортиқ китоб фонди шакллантирилди.

Вилоятда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастурини ўз ичига олган 5-ташаббус бўйича прокурорлар секторларида 5 та тикувчилик цехи ташкил қилинди. Натижада, 410 та янги иш ўрни яратилгани эса хотин-қизлар бандлиги билан боғлиқ муаммолар ечимида ўзининг ижобий натижасини бериши кутулапти. Жумладан, Дастур ижроси доирасида Наманган шаҳридаги 2-секторда жойлашган собиқ "Самарқанд" ширкат ҳўжалиги маъмурий биноси "Ўзпахтасаноат" АЖ маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирланди. Хозирда бу масқанда "Наманган баракa чеварлари" МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тикувчилик цехига Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 103 та замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, 250 та янги иш ўрни яратилди. Айни кунларда бу мўъжаз цехда 50 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланган бўлса, яна 70 нафари "Устоз-шогирд" мактабидa тикувчиликдан сабоқ олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, беш ташаббус ёшларга қанот бўлмоқда.

MUNOSABAT

ТИНЧ ВА ХАВФСИЗ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШАДИ

Кейинги пайтларда кундалик ҳаётимизда "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" деган иборалар тез-тез қўллана бошлади. Эндиликда булар сирасига "Хавфсиз бозор" тушунчаси ҳам киритилмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги ҳаёт шакли асосида ислохотлар олиб бoрилаётганидан далолат беради.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

Мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тизимларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш

мақсадида 2018 йил 24 декабрда "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатга асосан жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, ташкилотлар ва жамоатчилик тизимларининг фаолияти ташкил этилиши ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига - Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманлари бириктирилган эди.

Бу борадаги ишларнинг изчил давоми сифатида жорий йил 11 июнда "Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш

самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, Бош прокуратуранинг Чилонзор туманида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишларни янги ҳаёт шаклида - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш ва соҳада идораларaro ҳамкорлик самарадорлигини ошириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига инновацион ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш; ички ишлар органлари ҳодимларининг билим ва кўникмаларини, шунингдек, шахсий ва ишчанлик фазилатларини юксалтириш, уларнинг ўз устида ишлаши, малакасини ошириши ва касбий ривожланишини рағбатлантириш; фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жамоатчилик назоратининг самарали шаклидан фойдаланиш каби йўналишларда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Шунингдек, туманда ҳуқуқбузарлик-

Рашидбек МЕҲМОҶОВ,
Қўқон шаҳар прокурори ўринбосари

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид 16-19 июнь кунлари мамлакатимизда бўлди.

Жорий йилнинг 15 июнь куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди.



JARAYON

ИСЛОҲОТЛАРГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН ҲОЛАТ

"Навоий" чегара божхона пости ходими пора билан қўлга тушди

Шохруҳ ОМИЛХОНОВ,
Департаментнинг Тошкент туман бўлими катта инспектори

Бугунги кунда божхона ходимларига уй-жой билан таъминлаш бўйича ижара қонценсацияси қоплаб берилиши, имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши ва ўз иш фаолиятида муваффақиятга эришган ходимларга уй-жой олиш учун имтиёзлар берилиши йўлга қўйилди.

Аммо, божхона органларининг айрим ходимлари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай имтиёзларнинг қадрига етмай, хизмат мавқеидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, жиноятга қўл урмоқда. Шукур Алиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги "Навоий" чегара божхона постида катта инспектор лавозимида ишларди. Ш.Алиев айни енг шимариб, Ватан учун жон қўйдириб ишлайдиган ҳолат эди, лекин нафсининг йўригига юриб, тўғри йўлдан адашди.

Ўтган йилнинг май ойида Қозғистон Республикаси фуқароси Айтмат Орзуматов бандан биноларни куришда фойдаланилаётган қранни қисмларга ажратиб, олти юк машинасига юклади ва республикамизга ҳудудига олиб кирди. Божхона постида Ш.Алиев машиналарга юкланган қраннинг қисмларини кўздан кечирар экан, иккита юк машинасидаги юк ҳажми белгиланган меъёрдан ортиқ эканлигида ғувоҳ бўлди ва А.Орзуматовга ушбу ҳолат учун тегишли ташкилотдан махсус рухсатнома олиши кераклигини айтди.

Ўғир юки бир жойдан иккинчи жойга кўчиришининг ўзи бўлмайди. Шундоқ ҳам катта босим остида келаётган А.Орзуматов учун мазкур ҳолат яхшигина "бошғорик" бўлиб, у тушунлиққа тушиб қолди. Ш.Алиев эса унга муаммони ҳал этишининг илҳами борлигини тушунтирди, яъни 500 АҚШ долларни берса, юкларни ўтказиб юборишини айтди. Божхона ходимининг "ишора"сини тушунган А.Орзуматов ёнидаги 300 АҚШ долларини Ш.Алиевга пора тариқасида бериб, қолганини кейинроқ ташлаб кетишини билдирди ва юкларини олиб, чегарадан ўтиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтса ҳамки, А.Орзуматов қолган пулни ташлаб кетмади. Шундан сўнг Ш.Алиев унга кўнғироқ қилиб, агар қолган пулни бермаса, кейинги сафар унга республикамизга юк олиб кирганда "бошқача муомала" бўлишини айтиб, оғохлантирди. Айтмат тез орада қолган пулни ҳам етказишини билдириб, алқани узди ва бу ҳақда тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди.

Кўп ўтмай А.Орзуматов божхона ходимига кўнғироқ қилди ва қолган пулни қаердан олиб кетиши мумкинлигини айтди. У айтган манзил анча олисда бўлганлиги учун Ш.Алиев ҳаммаси Давлат Комиловага кўнғироқ қилиб, А.Орзуматовдан бир нарса олиб қолиши кераклигини тушунтирди. Д.Комилов айтилган манзилга борганида, Айтмат унга 150 АҚШ долларни берди. Олдинги ишдан хабари бўлмаган Д.Комилов пулни олган вақтда Департаментнинг Тошкент туман бўлим ходимлари томонидан қўлга олинди. Шундан сўнг тадбир давом эттирилди ва Ш.Алиевнинг қўлларига ҳам темир халқалар таққилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг ҳужми билан Ш.Алиевнинг қилмишига яраша жақоз тайинланди. Бу шахс 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

FAOLIYAT

КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ОЎҒИДАГИ ТУШОВ

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдиги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, коррупция жамиятнинг турли йўллар билан ўз исканжасига оладиган, демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказадиган, инсон ҳуқуқлари бузилишига, бозорлар фаолиятининг издан чиқишига олиб келадиган ва шу тариқа тараққиётнинг орта сурадиган иллат ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё иктисодий коррупция иллатидан 2,6 триллион АҚШ долларини миқдорда зарар кўради. Бу жаҳон ялпи махсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади.

Истиклол йилларида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 2008 йилда Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига ҳамда 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул режасига қўшилди. 2017 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилингани эса жамиятда ушбу иллатга нисбатан муроасиди муносабатини шакллантириш ва коррупцияга қарши курашишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Жорий йилда Олий Мажлис палаталарида коррупцияга қарши курашишга маъсۇл бўлган қўмиталар ташкил этилгани ушбу соҳада самарали парламент назоратини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирларини назарда

тутадиган фармонида эса бу болада зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишининг аниқ механизмлари белгиланди. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, қонунчиликни таҳлил қилиш, ундаги коррупцияга шариот ярададиган қонун ва нормаларни аниқлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида қайд этилганидек, ушбу иллатнинг фақат оқибатлари билан курашиш ҳеч қандай самара бермайди. Шу боис коррупция

инини фаоллаштириш лозимлигига, бунинг учун шахсан раҳбар жавабгар эканлиги уруғ берилди. Эеро, соҳада ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шарт-шароитларини таг-томири билан йўқ қилиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламагани ва тегишли баҳо бермагани, шунингдек, жиноятларни тақридан содир этиш ҳолатларида йўл қўйгани учун шахсан жавабгар бўлиши хусусида ҳам фикр-мулохазалар билдирилди.

1 августда олий таълим тизимларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси амалга оширилади.

цияга олиб келадиган ҳар қандай сабаб ва шариотни таг-томири билан йўқ қилишга барча куч ҳамда имкониятлар сафарбар этилиши шарт.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевосита аниқланадиган, яъни фақат уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида фож этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир давлат идораси соҳадаги тегишли хавф-хатарларни инобатга олиб, Идораларо комиссия билан келишган ҳолда ўзининг идоравий дастурини тасдиқлаши зарурлиги қайд этилди. Мажлисида барча давлат органлари ва ташкилотлари идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички комиссиялар

Тадбирда қайд этилганидек, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида капитал курилиш ва олий таълим тизимларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси амалга оширилади. Унинг доирасида тўрачилик ва қобозбозлик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш каби барча жараёнлар адолатли ва шаффоф тарзда бўлишига эришиш назарда тутилган.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Идоралараро комиссиянинг чора-тадбирлар режаси, "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар, Идоралараро комиссия хузуридаги Эксперт гуруҳи таркиби ва Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа-режа тасдиқланди.

Ўз муҳбиригимиз

14 нафар бола тўлақонли оилада

Ихтиёр АКБАРОВ,

МИБ Чилонзор туман бўлими бошлиғи

Алимент ундируви ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳамда оилаларни яраштириш бўйича Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йил 23 май куни Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимияти мажлислар залида Бюронинг туман бўлими томонидан туман прокуратураси, туман ҳокимияти ҳамда тумандаги бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда "оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳамда оилаларни яраштириш" мавзусида тадбир ўтказилди.

Бўлим иш юритишда мавжуд бўлган ижро ҳужжатлари таҳлил қилиб чиқилганда, алимент тўловчилар шартли равишда интизомли ва интизомсиз алимент тўловчиларга ажратиб чиқилди. 1 873 та алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларидан 1 143 таси бўйича алимент пуллари қарздорлар томонидан ёки уларнинг иш ҳақлари ҳисобидан мунтазам равишда тўлаб борилади ва улар интизомли алимент тўловчилар ҳисобланишади.

Бундан ташқари, 703 та ижро ҳужжати юзасидан қарздорлар интизомсиз алимент тўловчилар тоифасига киради. Ушбу ижро ҳужжатлари алиментчи оталар устидан давлат ижрочинининг мунтазам назоратини ва зарур ҳолларда мажбурий ижро ҳаракатларини қўллашни ва алимент қарздорлигини мол-мулк ҳисобидан ундиришни талаб қилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида алимент пулларини ўз вақтида тўламаган қарздорларга нисбатан 10 та маъмурий иш қўзғатилган бўлиб, тўланмаган алимент миқдори 50 миллион 797 миң 464 сўмни ташкил этган ва ушбу шахсларга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси қўлланилиб, алимент пуллари жазо чоралари қўлланилганидан кейин ундириб берилган.

Шунингдек, 32 та ижро ҳужжати қарздорнинг яшаш манзили ўзгаргани сабаб-

ли, ҳудудийлик бўйича ижро қилиш учун Бюронинг бошқа туман-шаҳар бўлимига юборилган. Бундан ташқари, 52 та ижро ҳужжати ундирувчининг аризасига асосан тамомланган. Ушбу ижро ҳужжатлари таҳлил қилиб чиқилганда 52 ҳолатдан 17 тасида томонлар ярашиб кетгани ва 35 та ҳолатда томонлар алимент тўловлари борасида ўзаро келишувга келгани аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига ўзгартirilги киритилган бўлиб, унга кўра, ҳар бир фарзанд учун тўланадиган алиментнинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизини ташкил этади. Алимент пулларини қарздорнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолаётган айрим ташкилотларда қарздорнинг ойлик иш ҳақи паст бўлгани сабабли, ушбу норманинг бузилиш ҳолатлари аниқланди. Апрель-май ойла-

рида 19 та ҳолатда алимент пуллари қайтадан ҳисобланиб, юзага келган тафовут пуллари ундирилди.

Тадбирда Бюронинг Чилонзор туман бўлими иш юритишда мавжуд бўлган ижро ҳужжатлари юзасидан жорий йилнинг май ойида 7 та яраштирилган оила тақлиф қилиниб, улар ушбу муқаддас ойда оилаларини тиклаганлири билан табрикланди ва ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари топширилди. Оилаларнинг яраштирилиши юзасидан йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулохазалари тингланди.

Мазкур яраштирилган 7 нафар оилада 14 нафар юлға етмаган фарзандлар бор. Демак, уларнинг тўлақонли оилада яшашларига замин яратилди.



ГАЗ, ҚАРЗ ВА АРЗ

Кундалик ҳаётимизни электр энергияси ва табиий газсиз тасаввур этиш қийин. Кишнинг совуқ кунлариди уйни иситиш, овқат тайёрлаш, чой қайнатиш ва бошқа юмушларни ўз вақтида бажаришда табиий газнинг аҳамияти беқиёс. Уйимизда бир кун газ ёки электр энергияси бўлмаса, қанчалик нуқлайликларга сабаб бўлиши ҳаммага аён.

**Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»**

Бироқ айрим истеъмолчилар табиий газга нисбатан ҳужасизлик, масъулиятсизлик билан муносабатда бўладилар. Унга ноқонуний, яъни газ ўлчигичсиз улашиб, совуқ кунлари гугуртни иқтисод қилиш учун ёки уйни иситиш мақсадида газ ускунасини ёқиб қўяди. Баъзилар давлат мулкни битмас-туганмас ҳазина деб билиб, қанча ишлатсам ҳам қаймайдими ёки ҳисобини ҳеч ким билмайдими қўйиб қўяди. Унинг тўловига келганда эса турли сабабларни рўқач қилади. Бу иши билан давлат иқтисодиётига катта миқдорда зарар етказиб қўлади.

Ваҳоланки, кейинги йилларда бутун дунёда ёқилги энергетика муаммолари кўзга ташланмоқда. Қазилма ёқилги захираларини қўйиб қўйиб бораётгани юзга келган тақчиллик ва нархлар сакрашининг асосий сабабидир. Негаки, улар қайта тикланмайдиган энергия ресурслари ҳисобланади. Қайта тикланмайдиган энергия манбаи эса гарчи захираи хар қанча кўп бўлмасин, ишлатилса, бир кун келиб тугаши аён. Шу боисдан ҳам мазкур муаммо ёнлиги энергетика соҳасида фаолият кўрсатаётган жуда кўплаб олимллар ва мутасаддиларнинг ўй-хаёлини банд этгани ҳам бор ҳақиқат.

Маълумки, табиий газдан оқилона фойдаланиш, талон-тороқчиликка йўл қўймайлик мақсадида мамлакатимизда эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақомадининг 2005 йилдаги "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблари тақвимлаштириш тўғрисида"ги, 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тақвимлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Бош прокуратураси ҳузурда Мажбурий ижро

бюросининг ташкил этилгани тўлов интизомининг мустаҳкамлашига туртки бўлди.

Шу жумладан, Қарши шаҳрида ҳам бу соҳадаги муаммолар бартараф этилмоқда.

Шундай бўлса-да, Қарши шаҳар газ идорасига иши тушган борки, ҳаммаси жиғибийрон. Сабабини сўрасангиз, газнинг пулини ўз вақтида тўлаб борадими, аммо йўқ жойдан фалон сўм пеня ёзиб қўйибди, деган жавобни эшитасиз.

— Газнинг пулини тўлайман, деб келсам, 443 минг сўм пеня ҳам тўлашингиз керак, деб қолишди, — деди **Қарши иқтисодлаштирилган маданият мактаби ўқитувчиси, шаҳардаги "Мағзон" МФЙ, Мағзон кўчаси, 48-Б уйда яшовчи Асрор Тўланов.** — Шу пайтгача газнинг пулини олдиндан ортқичаси билан тўлаб келганман-ку, нега ўшандан ушлаб қолмагансизлар десам, пеня тўловнинг ҳисоб рақами бўлиб, деб жавоб беришди.

"Қарлиқбағот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi Қарлиқбағот кўчаси, 21-уйда яшовчи фуқаро Ирода Эгамбердиева йўқ жойдан 1 миллион 443 минг сўм пеня чиқариб ўтиришидан жиғибийрон. "Ороловул" маҳалласидаги Шоҳир кўчаси, 18-уйда яшовчи Ҳасан Турдиев 600 минг сўмлик пеня қабердан келиб қолганининг сабабини билмай қўйди.

"Комилон" маҳалласи, Хитой кўчасида яшовчи Инат Жўраев биринчи гуруҳ ноғирони, боз устига турмуш ўртоғи ҳам вафот этган, арзимаган пенсия олади. Унга 916 минг 182 сўм қарздорлик, 1 миллион 166 минг 138 сўм пеня ёзишди.

Бу ерда пеня қандай ҳолатларда белгиланади, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 261-моддасида берилган таърифга кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган

"500-700 минглаб олдидан тўлов қилиб қўйган бўлсам-да, жумладан, мен ҳам пеня деган "муқофот"дан баъхара қолмаган эканман. Менга ҳам пеня ёзишибди".

ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир кунини учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Неустойка тўғрисидаги қилишув асосан шартнома шартларидан бири сифатида киритилади. Бундай мажбурият юзга келганда, унинг тўлови ихтиёрий равишда, низо келиб чиққан тақдирда эса, суд орқали амалга оширилади.

Бизнинг шарқона фалсафамизда инсоф, иймон, динбат деган тушунчалар бор. Улар инсонни тўғрилик, ҳалоллик ва ростўйликка ундайди. Амалдаги қонунларимиз ҳам адолат мезони асосида иш кўради. "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси раҳбарияти қайси қарор ёки қайси мезонларга асосланиб деярли ҳамма истеъмолчиларнинг бўйнига пеня деган "юк"ни осиб чиқарибди экан? Фуқаролик кодексининг 261-моддасида пеня шартнома шартларининг бири сифатида амалга киритилади, дейилган. Мазкур корхона ҳеч қайси истеъмолчи билан шартнома тuzган эмас. "Жанубгазтаъминот" унитар корхонасининг "Қаршишаҳаргаз" филиали директори Сомиро Қўрманов ҳузурда бўлиб, аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган масалага ойдинлик киритишини сўрадим.

— "Жанубгаз"га борасиз, пеня масаласида улардан сўрайсиз, биз участка бўлиб қолганмиз, биз истеъмолчиларга хизмат кўрсатамиз, холос, — деди у киши. — Кассида ўтирганлар ҳам бизнинг ишчилар эмас.

"Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси раҳбари ўринбосари Шокир Қодировнинг

қабулига борганимда қабулдаги йиғит ўзлари пастга тушар экан, "кутиб тураркансиз", деди. Бир соатларга яқин кутганимдан кейин пастдаги навбатчи қабулхонага кўнғироқ қилдириб, яна аввалги жавобини эшитдим. Қарши шаҳар прокуратурасига кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим. Шундан сўнг Ш.Қодиров хушламайгина тушиб келди.

Унга ташрифимнинг сабабини айтган эдим, биз истеъмолчилардан "пеня ундирмай келатгандик, республикадан комиссия келиб, ўтказиб юборилган қарздорлик учун пеня ундиришимиз лозимлигини айтишди" деб, менга Вазирилари Мақомадининг 2005 йилдаги қоронда қайд этилган қароридан нусха кўчиртириб берди.

бўлмайдими. Қолаверса, ҳисоблаш нотўғри бўлапти. Чунки Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, даъво мuddати уч йил этиб белгиланган. Бундан чиқадими, истеъмолчилар билан шартнома бўлган тақдирда ҳам, 2016 йилдан бери қамраб олинши керак. Аслида пеня йилдан-йилга ўтмаслиги лозим. Истеъмолчиларга қарзингизни тўланган, деган мазмунда хат берилиши керак эди. Ҳисоб рақами бошқа деб, пеняни олоҳида ҳисоб рақамга ундиришнинг тағдида ҳам қандайдир сир бор. Унутмаслик керакки, пеня ҳам қарз. Шундай экан, ҳаммаса битта ҳисоб рақамга ўтказилиши керак.

Қ.Жўраевнинг изоҳи юқоридagi шубҳаларимиз ўринли эканини тасдиқлади. Тўғри-да. Пеня ҳам жарима сифатидаги чора, истеъмолчи зиммасидаги қарз. Утган йилларда фуқароларга қарздорлиги йўқлиги ҳақида маълумотнома бериб келган корхона бугун қандай қилиб яна уларни қарздорга чиқариши мумкин?! Летаргик уйқудаги шоввозлар энди бошқача йўл тутишяпти. Энди маълумотномада ҳам қарздорликни, ҳам пеняни акс эттиришяпти.

Қарорга илова қилинган Низомнинг 6-бандида "Истеъмолчининг газ учун мuddати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлари мuddати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди", дейилган. Шундай экан, мен аванс сифатида кўпрок маблағ тўлаб қўярдим-ку, нега пеняни ўшандан ушлаб қолмаган? Юқорида "Мағзон" маҳалласида яшовчи А.Тўланов ҳам олдиндан кўпрок маблағ тўлаб қўярдим деганди. Шунингдек, ўзининг олдиндан тўлаган маблағимдан нега пеня учун ушлаб қолмагансизлар, деган саволига ҳам пенянинг ҳисоб рақами бошқа, деган жавоб олган. Бу жумбўқни қандай тушунас бўлади? Нима учун пенянинг ҳисоб рақами бошқа бўлади? Нега улар бешолти йиллик қарздорликни энди кўзга япти, шу пайтгача летаргик уйқудамиди? Саволлар кўп. Агар фуқаро пенядан қарздор бўлса нима учун у бу ҳақда олдиндан ёзма равишда ўз вақтида оғохланмишди? Бу саволларга асосли жавоб эса йўқ.

— Пеня бўйича кўп ариза тушяпти, — деди **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Қашқадарё вилоят ҳудудий бирлasmаси Қарши шаҳар бўлими раиси Қоржов Жўраев.** — Жумладан, 3-мититуман, 8-уй, 41-хонадонда яшовчи Ильмира Эҳсанова 183 минг 452 сўм, "Бўстон" маҳалласи, Бинокор кўчаси 28-уйда яшовчи Моҳичеҳра Маҳкамдова 395 минг 855 сўм, "Қунчиқар" маҳалласи, Қуёшли кўчаси, 1-Б уйда яшовчи Маҳмуд Пирматовга 320 минг 101 сўм пеня ёзилган. Шу бўйича туманлараро фуқаролик судига икки фуқаро номидан даъво аризаси киритдик. Ҳали ҳал қилув қарорини олмадик. Шундай бўлса-да, бу масалани юридик жиҳатдан баҳолаш мумкин. Бунда иккита ҳатога йўл қўйилган. Биринчидан, таъминотчи корхона ва аксарият истеъмолчилар ўртасида шартнома тuzилмаган. Агар шартнома расмийлштирилмаган бўлса, истеъмолчиға мажбурият юклат

Шу ерда бир гапни таъкидлаш керак. Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига мос бўлиши шарт. Яъни мазкур молада талаб бўйича иш ҳақидан ушлаб қолиш фақат ходимнинг ёзма равишдаги розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан бўлиши мумкин. Бу ҳолат коммунал хизмат ҳақидан қарздорлик масаласига ҳам тааллуқлидир. Қолаверса, коммунал хизмат кўрсатишга оид шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан жавобгарлик хизмат кўрсатувчи корхона-муассаса, ташкилот ва миҳознинг, яъни шартнома тарафлари зиммасига юклатилади.

"Жанубгаз" УК мутасаддилари истеъмолчилар газ ҳақини вақтида тўламаётганига қаттиқ ёпишиб олишган. Ваҳоланки, ҳозирда "Қаршишаҳаргаз" участкасига 126 минг машиий истеъмолчи — аҳоли вакили қарайди. Кассалар жойлашган хонага кирган одамнинг нафас қайтади. Бир кунда 1000-1200 фуқарога хизмат кўрсатилган тақдирда ҳам бунинг учун неча кун керак бўлади? Истеъмолчилар тўловини амалга оширишлари учун шариот яратиш, кассаларни кўпайтириш керак эмасми?

Боз устига "Табиий газдан фойдаланиш қоидалари"нинг фақат пеняга даҳлдор банди ижроси устида бош қотираётган таъминотчи аҳолиларнинг бошқа бандларини ҳам сидқидилдан адо этишса, барчага фойда бўларди назаримизда. Вазирилари Мақомадининг қоронда қайд этилган 22-сонли қарориди маиший истеъмолчиларга табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қўёлови ва пломбалаш тегишли равишда ҳудудий газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, деб қатъий белгилаб қўйилган. Охириги пайтда бу масала ҳам истеъмолчилар гардианига юклат қўйилган айни ҳақиқат. Хар қандай вазиятда ҳам халққа нисбатан адолатсизлик қилинмаслиги лозим.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Мухаббат УРАЗАЛИЕВА,

Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрданчиси

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, айниқса, қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш дастурини 2019-2021 йилларда амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилди. Президентнинг шу йил 13 майда қабул қилинган "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шу концепциянинг изчил амалга оширилишини белгилаб берди.

Фармон билан бошланғич устав капитали миқдори 25 миллиард сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ташкил этиладиган бўлди. Компанияга маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш, аҳолининг арзон уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш,

Ипотека кредитлари 2020 йил 1 январдан бошлаб янги шартларда ажратилади.

ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш вазифалари юклатилади.

Шунингдек, фармон доирасида Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда ипотека кредити тизимини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оилаларга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадли дастурлари ижроси доирасида 2020 йил 1 январдан бошлаб янги шартларда ипотека кредитлари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, банкларга ва аҳолига бериладиган кредитлар бўйича имтиёзли давр бир йилга қисқартирилади. Бу кредитдан фойдаланишнинг биринчи беш йили давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошириб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида белгилашни назарда тутди. Ипотека кредитлари



JARAYON

АДОЛАТСИЗ ҚАРОР

инсон тақдирини

ўзгартириб юбориши мумкин

Наманган вилоят прокуратураси мажлислар залида суриштирув, тергов ва судда юзага келаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Маъруфжон ЭГАМОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

важлар билан қонун талабларини бузишмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2018 йилда ва жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида айблов ҳулосаси тасдиқланиб, судга юборилган жиноят ишлари бўйича суд томонидан 83 та ҳолатда судланувчининг айбловдаги моддаси чиқарилган, 91 та ҳолатда оғирдан енгилга ўтиб, шахснинг қилмиши қайта квалификация қилинган, 11 та ҳолатда бир моддадан бошқасига ўтиб жазо тайинланиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Тергов ҳаракатлари ҳар томонлама тўла ва ҳолисона олиб борилмай, камчиликларга йўл қўйилиб, асоссиз равишда айбланувчи тарикасида ишга жалб қилиниб, айблов ҳулосаси билан судга юборилмоқда. Натижда, судлар томонидан оқлов ҳукми ҳамда ажрим чиқарилмоқда. Қолаверса, судлар томонидан ҳам дастлабки терговда айбланиб, судга юборилган жиноят ишлари ЖПКнинг 22-моддаси талабларидан келиб чиқиб, сифатли, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқилмаслиги оқибатида ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарорлар чиқарилиши кузатилмоқда.

Дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда судларга жиноят ишларининг фуқаровий даъвога оид қисми бўйича даъво аризалари киритилиши ҳолатларига чек қўйилмапти. Юзага келаётган бу каби хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгуси фаолиятда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли тушунтиришлар ҳамда тақлифлар билдирилиб, семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб берилди.

Кун тартибидаги мавзу юзасидан сўзга чиққан жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси Бумаирам Бабамирзаева суриштирув ва дастлабки тергов вақтида айбланувчиларнинг шахси тўлиқ ўрганилмаётгани билан боғлиқ муаммоли ҳолатларга тўхтади.

Қўрилган масала ҳамда маърузалар юзасидан вилоят прокуратураси, шунингдек, ИИБ ва ДХХ ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда иш фаолиятини яхшилаш бўйича тақлифларини билдирдилар.

83 та ҳолатда судланувчининг айбловдаги моддаси чиқарилган.

Қайд этилишича, жиноят ишларини биринчи босқич судларида қуриш давомида, шунингдек, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида, тергов-суд органлари томонидан бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, жиноят ишларини тергов қилишда айбдорларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг муайян моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари тасдиқланмаган ёки айбдорнинг ҳаракатлари мазкур кодекснинг бошқа моддасида кўрсатилган жиноий қилмиш билан қамраб олинган бўлса-да, терговчилар унинг зиммасига ортиқча моддалар билан айб қўйиб, "керак бўлса, суд айбловдан чиқариб ташлайди", деган асоссиз

Энди фуқароларга пенсия ва нафақа тайинлашда яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинмайдиган бўлди.

фоизларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартиби татбиқ қилинади. Яъни ойлик тўлов асосий қарз қолдигига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади. Бу шундай ҳисоблашни назарда тутадиги, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади. Айни пайтда тегишли республика вазирликларининг уй-жойлар ва квартираларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар бериш тўғрисидаги тақлифлари ҳам маъқулланмоқда.

Фармон билан республика ҳукуматида 2019 йил 1 декабрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида тақлифлар бериш топширилди. Мазкур тақлифларда, жумладан, яқна тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган ва солиқ солинадиган жисмоний шахслар ва улар оила аъзоларининг жами 15 миллион сўмгача бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси солиқ даври давомида жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғига тортилмаслиги кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек, унда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинмоқда. Бекор қилинаётган солиқ имтиёзлари ўрнига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахслар ва қонун билан белгиланган фуқароларнинг бошқа тоифаларига ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоизларни тўлаш учун субсидиялар ажратиш кўзда тутилди.

Айтиш мумкинки, Президентнинг мазкур фармони мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини янада тўла қондириш, ипотека бозорини янада ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизда фуқароларнинг яхши яшашга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, юртимизнинг жаҳоннинг илгор давлатлари сафига киришини тезлаштириш имконини беради.





FAOLIYATIDAN

Хар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига мувофиқ, юртимизда таълим олаётган ва фаолият юритаётган иқтидорли фаол қизлар адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ижодий ишлари, ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирландилар. Бугун ушбу давлат мукофоти соҳибаси бўлиб,

олий ўқув юртига имтиёзлик тарзда ўқишга қабул қилинаётган қизларнинг юрагида қувонч туйғуси жўш урмоқда. Афсуски, орамизда ушбу мукофотни ҳам пулга сотмоқчи бўлган қимсалар бор экан. Хар йили олис қишлоқлардан ўзининг иқтидорини кўрсатиш учун сингилларимиз, қизларимиз мукофот иштиёқида ҳудудлардаги туман ва шаҳар марказларига келиб, танловда иштирок этишга тегишли ҳужжатларини топширадилар. Утган йилнинг октябр ойида Термиз шаҳрида яшовчи Самира Олтибоева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам қизи Жамила Аббосованинг иқтидорини синаш учун мазкур танловда иштирок этиш мақсадига шаҳар халқ таълими бўлимига келди.

Ушбу танловда иқтидорли қизларнинг иштирокини таъ-

минлаш вазифаси бўлим шўбиа мудираси Шарофат Раимовага юқлатилган эди. С.Олтибоева сўраб-суриштириб, бу ишларга масъул бўлган Ш.Раимовага учради ва муддасини айтиб, қизи Зулфия мукофотининг санъат йўналишида иштирок этишни билдирди. Она қизининг ижодий ишлари бўлган турли кийимларнинг чизмаларини кўрсатди. Шўбиа мудираси ижодий ишлар билан танишиб бўлган, танловда қатнашиш учун керак бўлган ҳужжатларни ёзиб берди.

Орадан бир неча кун ўтгач, талаб қилинган ҳужжатларни тўплаб, она-бола яна Ш.Раимованинг хузурига келишди. Ўзаро сўхбат жараёнида у ушбу танловда қиз иштирок этишни астойдил истаётганини сезди ва мазкур ҳолатдан ўз манфаатлари йўлида фой-

даланиб қолишни мақсад қилди. — Танлов ғолиби бўлишга қизингизнинг иқтидори биров камлик қилади, озгина қўллаб юборишингиз керак, — деди Ш.Раимова.

Нимага шамба бўлаётганини тушунган С.Олтибоева розилигини билдирди.

— "Тепатадилар"га узатиш учун 200 АҚШ доллари, кейин яна бошқа харажатлар учун 500 минг сўм берасиз, шунда қизингиз вилоят босқичида ҳам ғолиб бўлади, — деди шўбиа мудираси.

Унинг талабидан аччиғи чиқса-да, С.Олтибоева тишини тишига қўйиб, фарзанди учун рози бўлди. Аммо Ш.Раимовани орқававтордан сўраб-суриштирганида бу аёл пул эвазига турли ноқонуний ишлар қилиб юришини эшитди. Шундан сўнг мазкур ҳолат

Ориф АБДУЛЛАЕВ,
Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

ҳақида Департаментнинг Термиз шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Департаментнинг Термиз шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Ш.Раимова аризадан 200 АҚШ доллари олган пайтда ушланди.

Маълум бўлишича, Ш.Раимова аввал ҳам бир неча бор жиноят содир қилган аммо, тайинланган жазолардан тегишли хулоса чикармаган экан. Мазкур ҳолатни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди Ш.Раимованинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чикарди.

Хар кимнинг ўзига яраша обрў-эътибори бор. Хурмат-эътиборни йўқотган, эл назаридан қолган ёмон. Одамлар нима дейди? Ишхонамда, маҳаллада, кўча-кўйда қандай бош кўтариб юраман? Яқинларим, ака-укаларимнинг юзига қандай қарайман? Ишончдан қолган кимсани ким орага қўшади? Дибнатли, ақл-идроқли киши фалончининг ўғли, дея тенгдошлари боламни як-калаб мулзам қилишмайди, дея кўпчиликнинг назаридан қолдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилади.

Ўрганган кўнгил...

Қонунларимиз инсонпарварлик билан йўрилган. Билиб-билимай ёхуд атайин, қасддан ҳуқуқбузарлик содир этган, қилмишидан пуйаймон бўлган қимсаларга енгилроқ, озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди, тузалши йўлига ўтиш, бундан кейин тўғри, ҳалол яшаб, қайта хурмат-эътиборини тиклаш имконияти берилмоқда. Иймонини ютиб юбормаганлар бу имкониятдан фойдаланади. Қай-

Раҳмонали УСМОНОВ,
Департаментнинг Риштон туман бўлими бошлиғи

ни ўтамасдан, "хунари"ни давом эттиради.

Синфдоши Наримон Сахатовнинг Кўкюн шаҳридаги харбий қисмга ҳайдовчи бўлиб ишга кириш учун ҳужжат топширгани, иши ҳал бўлмаётганидан хабар топади. "Уша харбий қисмнинг кадрлар бўлимида ёрдамчи бўлиб ишлаганман", дея гўё кўл телефонида бирга ишлаган Ҳабибуллога кўнгирик қилиб гаплашгандай бўлади. Сўнгра, "кадрлар бўлимига учрашинг", дейди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, синфдошининг турмуш ўртоғи Донохон кўнгирик қилади. Мархабо у билан кўришиб, 300 АҚШ доллари эвазига ишга жойлаштириб қўйишни айтади. "Бир юз эллик долларини олдиндан, қолганини иш бошлаганидан кейин берасиз", дейди. Донохон унинг шартига кўнади.

Аёлнинг мурожаати асосида тадбир ўтказилди. Мархабо тайинланган Учқўприк туманидаги "Ишонч" кредит савдо дўкони ёнида кўришишди. Мархабо Донохон берган 150 АҚШ долларини олди-ю, телефонининг гилофи ичига солиб қўйди. Сўнгра безовталаниб, дўкон ичига бошлади. Пулни, "сизда тура турсин", дея қайтариб берди. Кириб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига "пул олганим йўқ", деди-ю, далиллари инкор этди олмай, айбини тан олишга мажбур бўлди. Суд фирибгарга қилмишига мувофиқ жазо тайинлади.

Фирибгар синфдошининг харбий қисмга ишга кириш учун ҳужжат топширганидан хабар топиб, ҳаловатини йўқотди.

тиб ҳуқуқбузарликка кўл урмайди. Бирок, букрини гўр тузатади, деганларидек, тайинланган енгилроқ ахлоқ тузатиш ёки озоқликни чеклаш жазосини ўзича тескари талқин қилган маҳкумлар ҳам борки бундайлар ўзини жилловлаш ўрнига "Осон кўтүлдим, энди ишини пухта қиламан, кўлга тушмайман, кўлга тушсам ҳам, қамалмай очкида қолишим мумкин", дея такроран жиноятга кўл ураятти.

Мархабо Шерғозиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бировларнинг "мушқулини осон қилиш" борасида муаяна "тажриба" орттирган. Зориққанларга "ёрдам қўли"ни чўзгану, муаммоларини ҳал этишни ваъда қилиб, чўв туширган, аравини куруқ олиб қочган. Икки марта судланган фирибгар суд тайинлаган ахлоқ тузатиш жазоси-

Ногиронлик учун 500 минг

Тўлқин ҚУРБОНОВ,
Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Дехқонобод туманлараро тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг собиқ раиси Ч.Н. бемор одамнинг ризқини қийишдан тап тортмади.

Қамашти туманилик Ж.Ф. тиббий кўрикда иккинчи гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи бир парча қоғозни олиш учун роса овора бўлди. Раис унга ниҳоят бу иш 500 минг сўм эвазига ҳал бўлишини иштишди. Ж.Ф. аввал 200 минг, сўнг 300 минг сўми унга элтиб топширди. Ж.Ф.нинг мурожаатига кўра Департаментнинг Қамашти тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида тамагир шифокор жиноят устида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Суд ҳукмига кўра Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан Ч.Н.га қонуний жазо тайинланди. Тиббий кўриқдан чўнтак қаппайтиришни ўйлаган ноинсоф дўхтир виждон кўригидан қандай ўтар экан энди?

Мудиранинг найранглари

Ислом ШЕРОВ,
Департаментнинг Самарқанд туман бўлими бошлиғи

15 йил мобайнида боғча мудираси бўлиб ишлаган Хилола Салоҳиддинова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг кўп йиллар давомида қинғир ишларга бош кўйиб келгани фош этилди.

Мудира кўп миқдорда давлат бюджети маблагларини талон-торож қилиш ва ўзлаштириш ишларини йўлга қўйиб олган экан. Хусусан, 2014-2018 йиллар давомида ҳужжатларга муассасада ишлаган 6 нафар қариндошлари ҳақида ёлғон маълумотлар киритиб, уларни ишлаган деб кўрсатади.

Д.Эшонқуловага 2014 йил май ойидан 2018 йил февралга ойигача 20 миллион 359 минг сўм, М.Жўрабековга 2015 йилнинг январидан 2018 йилгача 23 миллион 863 минг сўм, Ш.Пардаевага 2015 йилнинг январидан 2018 йил февралгача 14 миллион 884 минг сўм, Н.Ёрмухаммедовага 2015 йилнинг апрелидан 2017 йил декабригача 7 миллион 698 минг сўм, Н.Мамасолиевага 2015 йил январидан 2018 йил февра-

лигача 11 миллион 308 минг сўм, Э.Фисомага 2015 йил январидан 2017 йил декабрь ойигача 14 миллион 243 минг сўм ёзиб ўзлаштириб келган.

Шу билан бирга, яна бошқа қинғирликларни ҳам амалга ошириш

Мудира 4 йил давомида муассасада ишламаган қариндошлари билан "ҳамкасб" бўлиб келган.

хисобига умумий ҳисобда 90 миллион 695 минг сўм маблагни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Суд Хилола Салоҳиддиновага нисбатан ҳукм чикарди. У бир йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, унга бир йилу 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Қонунчиликка асосан чет эл валютаси банкларга эркин сотиб олиниши ва сотилиши қафолатланган бўлса-да, айрим фуқаролар томонидан қонунга ҳилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш ҳолатлари амалга оширилмоқда.

Дўкондаги "қора бозор"

Дилшод ВАФАЕВ,
Департаментнинг Богот туман бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Богот туман бўлими томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида ана шундай ҳолат аниқланди.

Богот тумани "Дехқонбозор" қишлоғида яшовчи Хуршид Ашуров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тумандаги савдо дўконида ишчи бўлиб ишлайди. У "ишчи" никоби остида шу дўконда қора бозор савдосини ҳам йўлга қўйишга киришади. Валюта савдосидан келаётган фойда уни янада хурсанд қилади. Лекин кўза кунда эмас, кунда синди деганларидек, Хуршиднинг ноқонуний ҳаракатлари узоққа чўзилмади.


Жорий йилнинг май ойида Хуршид Ашуров савдо дўконида навбатдаги харидор Рўздат Эргашевага ҳар бир АҚШ долларини 8 500 сўмдан ҳисоблаб, 25 миллион 500 минг сўм эвазига 3 000 АҚШ долларини сотишга келишади. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Х.Ашуров шу Р.Эргашевага 3 000 долларни бериб, ундан келишилган миқдорда-

ги пулларни санаб олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Хозирда мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан ушбу фуқарога нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Хорижий валюталарни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, нақд пулни банкдан ташқари ноқонуний айлантириш учун қонунчиликда жавобгарлик қоралари белгиланган. Қинғир йўлни танлаган ушбу "устамон" энди қонун олдига жавоб беришга мажбур.





FAOLIYATIDAN

Хар бир фуқаро муйайн ҳуқуқларга эга бўлиш баробарида, унинг қонун билан белгиланган бурчлари ҳам бор. Аммо негадир айримлар ҳуқуқини яхши билгани ҳолда, бурчини унутиб қўяди.

Фуқаро Конституция ва қонунларга риоя қилиши, солиқлар тўлаши, табиати асраб-авайлаши шарт. Мажбурийатлар фуқароларни муйайн сиёсий ҳулқ-атворга даъват этади ва уларнинг жамият олдидидаги ўз масъулиятини теран англаши қатъий фуқаролик ва ҳаётий позицияси вужудга келишига қўмақлашади.

Бугунги кунда мамлакатимизда истеъмолчиларга электр энергияси, газ етказиб бериш сифати тубдан яхшиланган. Мажбурий ижро бюроси томонидан энергия ресурсларини етказиб беришчи ташкилотлар билан истеъмолчилар ўртасида шартномаларнинг тузилиши, энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналарининг тўлиқ ўрнатилиши ва уларнинг давлат қиёслов кўригидан ўз вақтида ўтказилиши назорат қилиб борилмоқда. Шу билан

Фермер хўжалигидаги ўзбошимчалик

бирга, истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, электр ва газ тармоқларига ноқонуний улашиш ҳамда талон-торожликларнинг олдини олиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлаш каби муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчилар орасида истеъмол маданиятини ошириш, энергия ресурслари манбаларидан оқилона фойдаланиш, истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларни белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш борасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинишига қарамасдан, айрим истеъмолчилар томонидан қонун бузилиши ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Гурланлик Ҳозрат Бозорбоев 64 ёшда. Атрофдагиларни, фарзанду набираларини

Зоҳиджон ИНОЯТИЛЛАЕВ,
МИБ Гурлан туман бўлими суриштирувчиси

да умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчалик билан улангани аниқланган. Гурлан туман маъмурий судининг 2019 йил 12 апрелдаги қарори билан унга жазима жазоси қўлланилган.

МИБ ходимлари орадан олти кун ўтиб, 18 апрель куни фермер хўжалигига боришганида, фермер шийпонни яна ўзбошимчалик билан электр тармоғига улагани аниқланди. Гурлан туман электр таъминоти корхонасининг маълумоти-га кўра, фермер 276 385 сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган.

Қонунчиликда биринчи марта жиноят содир қилган шахс 30 кун ичида келтирилган зарарни қопласа, жавобгарликдан озод этилиши кўрсатилган. Бозорбоевга бу ҳақда тушунтирилди. У қилмишининг оқибатлари ҳақида ўйлаб кўрди ва келтирилган зарарни қоплади.

Ўзбошимчалик, қонунларга ҳурматсизлик ва итотсизлик яхшиликка олиб келмаслигини барча ёдда тутуши лозим. Бўлим томонидан ўтказилган текширишларда жами 56 та, жумладан, 28 та электр энергиясидан, 12 та табиий газдан ҳамда 16 та ҳолатда ичимлик сувидан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқланиб, таъминот корхоналарига етказилган зарарларнинг ҳуқуқбузарлардан ундирилиши таъминланмоқда.

64 яшар фермер қонунларни четлаб яшашига ҳаракат қилган.

ҳалолликка даъват қилиши лозим бўлган бу инсоннинг ўзи қонунларни четлаб яшашига ҳаракат қилиши ачинарлидир. Муқаддам унга электр тармоғига ўзбошимчалик билан улаиб олгани боис маъмурий жазо қўлланилган. Гап шундаки, Бозорбоев фермер хўжалиги раҳбари. 2019 йил 21 февралда хўжалик дала шийпони-

Қайта тикланувчи энергетиканинг аҳамияти

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифаларнинг муҳим таркибий қисми қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масаласига қаратилган.

Санжар ИМОМОВ,
МИБ Навоий вилоят бошқармаси катта инспектори

энергетика технологияларидан фойдаланишда уларни кафолатланган энергия манбаи сифатида кўриб чиқмаслик лозимлигини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, фотоэлектрстанциялар кечаси ишлаб олмайди, шамол қурилмалари шамол эсимас ёки унинг тезлиги паст бўлса, электр энергия ишлаб чиқармайди ва ҳоказо. Шу сабабли улар, одатда захира энергия манбаини талаб қилади ва асосан аънавий энергия манбаларини тўлдирувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида қўлаб ирригация каналлари оқиб, сув обдорларининг ресурслари бир йилда 21 ТВт соат электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қўлаб гидроэлектр станциялар барпо этиш учун техник имкониятларни таъминлайди. Ушбу электр энергияси қуввати микрогидроэнергетика салоҳияти аниқлангандан сўнг янада ошиши мумкин. Кичик ва микрогидроэлектр станциялар электр таъминоти тармоғидан фойдаланиш имконига эга бўлмаган олис туманларда қўлланилиши мумкин. Айни пайтда маҳаллий корхона ва ташкилотлар ГЭСлар учун ускуна ишлаб чиқараётгани ва асосан қурилиш-монтаж

Кичик ва микрогидроэлектр станциялар олис туманларда қўлланилиши мумкин.

ишларини бажараётганига қарамай, темир конструкциялар, кабеллар, симлар, назорат-ўлчаш асбоблари, аккумуляторлар, бошқа айрим бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имконияти мавжуд. Келажакда микро ва кичик гидроэлектр станциялар учун ускуналар, жумладан, айни пайтда Ўзбекистонда фойдаланилаётган турли хил турбиналар ўрнига кучли босим ва қувватга эга кўндаланг порковчи турбиналарни шу ерда ишлаб чиқариш имкониятини кўриб чиқиш мумкин.



Алимент тўловчилар учун меҳнат ярмаркаси

Галлаорол туманида 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 29 нафар фуқарога алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 474-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Ушбу шахсларнинг аксарияти доимий иш ўрнига эга эмас. Шу боис Галлаорол туман прокуратураси, Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими ташаббуси билан бўш иш ўрни-

Олим ҚИЛИЧБЕКОВ,
МИБ Галлаорол туман бўлими бошлиғи ўринбосари

лари меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, унга асосан алимент тўлашда муаммоси бўлган вақтинча ишсиз фуқаролар тақлиф этилди.

Меҳнат ярмаркасида жами 50 та корхона ва ташкилотлар 200 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, 23 нафар алимент тўловчи фуқарога ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

Бюронинг Булунгур туман бўлими давлат инспекторлари И.М. ҳамда Ф.Х.лар тумандаги "Шўрбедана" қишлоғи, "Оқтош" маҳалласида яшовчи фуқаро А.Х.нинг хонадонига энергия ресурслари ва сувдан фойдаланиш ҳолатини текшириш мақсадида киришди.

Қаршилик — келтирмайди яхшилик

Сафаржон ОЧИЛОВ,
МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси катта суриштирувчиси

Хизмат вазифасини бажараётган давлат инспекторлари А.Х.га электр энергияси истеъмоли бўйича зарур ҳужжатларни тақдим этишни қўрашади.

Шу пайт хонадон эгасининг ўғли Х.Х. маст ҳолатда келиб қолиб, давлат инспекторларининг қонуний фаолиятлари фаол қаршилик кўрсатади, уларни ҳақоратларга қўмиб ташлайди. Бу ҳам камлик қилгандек, уяли телефонларини ҳамда жимдат жетонларини тортиб олиб, давлат инспектори Ф.Х.га тан жароҳати етказди.

Маъмур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан фуқаро Х.Х.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзга тилди.

Эрта тонгданоқ ишга, ўқишга шошилаемиз. Кўчага чиқдикми, кимдир йўловчи, кимдир ҳайдовчи номи билан аталади. Шу ўринда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг йўл қодаларида ўз ўрни борлигини унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда қоида кучи йўқолишига сабабчи бўлаемиз.

РЕЙД ТАДБИРИ: жаримадан қочиб бўлмайти

Элдор САФАРОВ,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳамкорлигида навбатдаги қўшма рейд тадбири ўтказилди. Жорий йилнинг 22 май куни бошланиб 6 июнь кунига қадар давом этган маъмур тадбирда 10 миңдан ортқ ҳуқуқбузарлар аниқланган. Аниқроғи, 10 902 нафар ҳуқуқбузарлар муҳдатти ўтган жарималари суммаси 3 миллиард 282 миллион 931 миң 260 сўми ташкил этди. Шу жумладан, пойтахт кўчаларида ҳамкорликда ўтказилган тадбир вақтида 9 969 нафар ҳуқуқбузар ҳайдовчи аниқланиб, улардан 2 миллиард 728 миллион 595 миң 538 сўмлик муҳдатти ўтган жарималар жойида сийёр кассалар орқали мажбурий ундирилди.

Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси иш юритишдаги ижро ҳужжатлари бўйича 5 760 нафар ҳайдовчидан давлат

фойдасига 2 миллиард сўмдан ортқ жарима пуллари ундириб олинди. Тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам самара берди: Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси иш юритишга келиб тушмаган ишлар бўйича Йўл ҳаракати хавфсизлиги органларига тўғридан-тўғри 331 миллион 429 миң 230 сўм миқдорда жарималар ундирилган.

Яна бир ҳолатни ёдда тутинг. Мажбурий ижро ҳаракатлари пайтида жарималар миқдори ҳуқуқбузар ҳайдовчи томонидан ўз вақтида тўланмаси, аптовуллов қатъинча жарима майдончаларига жойлаштирилди. Хусусан, 16 кун давомидаги тадбирда 18 та аптовуллов жарима майдончаларига жойлаштирилди. Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қидирувга берилган битта аптовуллов тадбир пайтида топилди.

СУДЛАРДА МЕХНАТ НИЗОЛАРИ

Мехнатга оид низоли ишлар ҳам бошқа фуқаролик ишлари каби судларда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде кўриб ҳал этилади. Фуқаролик процессининг муҳим принципларидан бири бўлмиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида мазкур ишларда ҳам тарафлар ўз манфаатлари нуқтаи назаридан бир-бирлари билан қарама-қарши позицияда бўладилар. Бу эса ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари судлар томонидан аниқлашиши таъминловчи нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Мехнат шартномасида тараф бўлган иш берувчи корхонанинг ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини бошқарар экан, ходимларнинг меҳнат сифатини ва иш микдорини назорат қилади, корхона мулки ёки бошқа қимматликларнинг сақланишини ва ишлатилишини текширади ҳамда уларнинг ҳисоб-китобини юритади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун етарли имкониятга, яъни ишлаб чиқариш техникавий ва бошқарув аппаратурага эга бўлган иш берувчида ходимдан фарқи равишда, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ далиллар, шартлар жадвали, шунингдек ходим томонидан етказилган зарар тўғрисидаги аниқ маълумотлар, зарар микдори ва уни етказишда ходимнинг айби, унинг вужудга келиш сабаблари ва шароитлари тўғрисида маълумотлар етарли бўлади.

Коллаверса, ҳар қандай ходим иш берувчига хизмат юзасидан бўйсунди, иқтисодий жиҳатдан ҳам тобе ҳисобланади. Мазкур ҳолат меҳнат низолини судда кўриш жараёнида, айниқса, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган бўлса яққол кўзга ташланади.

Мазкур муаммолар, ўз навбатида, судларнинг тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар билангина чекланиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун зарур далилларни ўз ташаббуслари билан процесс иштирокчиларидан талаб қилиб олмади, иш учун муҳим бўлган ҳужжатларни ишга қўймади, ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳал қилув қарорларини қабул қилишга замин яратиши, пировадда, бу каби қарорларнинг чиқарилиши фуқароларнинг ҳақиқий эътирозига, суд идораларига нисбатан эса ишонсизлик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Мехнат низолини судда қўрилишида тарафларнинг, яъни иш берувчи билан ходимнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилиқда суд ишда иштирок этувчи шахслар, айниқса ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган юридик фактларни ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асослан-

ни тўплаш бўйича кенг ваколатларга эга. Европа Иттифоқи Вазирилари қўмитаси фуқаролик ва савдо ишлари бўйича одил судловни тақомиллаштириш бўйича бир қатор тавсияларини (1981 йил 14 майдаги 81 (7)-сонли тавсия, 1995 йил 7 февралдаги 95 (5)-сонли тавсия) ва фуқаролик суд ишларини юритиш принципларини (1994 йил 28 февралдаги 84 (5)-сонли тавсия) қабул қилган. Мазкур тавсияларнинг умумий йўналиши суд таъминларини соддалаштириш ва унга йўл қўйилишини, мослашувчанлигини, тезкорлигини ва кафолатлилигини оширишни назарда тутди. Ишга оид далилларни тўплашда суднинг фаол ваколатларга эга бўлиши мазкур тавсияларда ўз ифодасини толган. Масалан, 84 (5)-сонли тавсияда белгила- нишича, "суд энг охириги чора сифатида дастлабки суд мажлисида, агар мумкин бўлса, суд муҳокамасининг барча босқичларида тарафларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилган ҳолда суд муҳокамасининг тезкорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиши керак. Суд тарафлардан иш учун муҳим бўлган тушунтиришларни талаб қилиш ваколатига эга бўлмоғи лозим".

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқиде суд процессуал исботлашнинг "фаол" иштирокчиси сифатида қўрилади. Унга кўра, замонавий суд процессуда жуда фаол бўлади, масалан, ўз ташаббуси билан гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, тарафларнинг процессуал шахсан иштирок этишини талаб қилиш, тарафларга саволлар бериш ва албатта, ишга дахлдор бўлган далилларни талаб қилишга ҳақли бўлади. Европа ҳуқуқи тизимида судья умумий ҳуқуқ тизимидаги адвокатдан устун туради ва у исботлаш таъминлигини ривожлантиришга, қарорларни асосига қўйиладиган фактларнинг аниқлигида қилинишига масъулдир.

Бирок судларда фуқаролик ишларини ҳал этишда суд ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олиш ва йиғиш билан боғлиқ масалада МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиғини шуни кўрсатадики, судлар ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олиш ва йиғиш каби ва- зифалардан бўлунтай овоз қилинган. Қозғонистон Республикаси ФПКнинг 15-моддаси учинчи қисмига кўра, суд иш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ўз ташаббуси билан далилларни тўплашдан тўлиқ овоз қилинади. Бирок тарафларнинг асосланган ишларини муҳим бўлган ҳолатда назарда тутилган тартибда керакли материалларни олишга қўмақлашади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Бош прокуратура Академияси маркази бошлиғи

Россия Федерацияси ФПКнинг 12-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, суд, муҳтақлик, объективлик ва холисликка риоя қилган ҳолда жараёнга раҳбарлик қилади, иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик оқибатлари тўғрисида огоҳлантиради ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қўмақлашади, далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ текшириш учун, фактик ҳолатларни аниқлаш ва фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишда қонунчилиқни тўғри қўллаш учун шароит яратди.

Шунга ўхшаш нормалар Беларусь Республикаси ФПКнинг 20-моддасида, Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 10-моддасида, Тожикистон Республикаси ФПКнинг 13-моддасида, Туркменистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасида назарда тутилган.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодексларида фуқаролик ишлари бўйича суд ишлари тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган далилларни ўз ташаббуси билан талаб қилиб олишга ҳақли эканлиғи назарда тутилмаган ва иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган далилларни тақдим этиш мажбурияти тарафлар, учинчи шахслар ва ишнинг ақидани юридик жиҳатдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар зиммасига юклатилади.

Бирок муаммонинг долзарблиғи ва айрим тоифадаги фуқаролик ишлари, айниқса, меҳнат низолиларида иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган далилларни тақдим этиш борасида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш масаласида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиғида судларга тарафларнинг илтимоснома- сисиз, ўз ташаббуси билан иш бўйича далилларни талаб қилиб олиш ва тўплаш борасида ва- зифаларнинг юклатилиши мақса- да мувофиқ бўлар эди. Қола- верса, меҳнат қонунчилиғида ҳам иш берувчининг зиммаси- га ходимнинг (шу жумладан, со- биқ ходимнинг) талабига му- вофиқ судда ўз талабларини ис- ботлашга қаратилган ҳужжат- ларни тегшиштириш тасдиқлан- ган ҳолатда бепул тақдим этиш мажбуриятини юклаган қарати- лган нормаларни киритиш та- клиф қилинади.

JARAYON

Ёнғин хавфсизлиги тадбирлари

чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори 6- бандига асосан ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини ўтказиб бориладиган "Ёнғинлар профилактикаси кунини" да тегишли идоралар билан ҳамкорликда Учқудуқ шаҳри ва туманида жойлашган ШКБга қарашли ёнғин хавфсизлиги ҳолати таъминланаётган корхона- ташкилот ҳамда аҳоли кўп йиғиладиган масканларда ва аҳоли яшаш уйларида ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Республикаимиз ҳудудида содир бўлаётган ёнғинлар таҳлилига назар соладиган бўлсак, бу ҳодисалар асосан фуқаролар уй-жойла- риде содир бўлаётганлиғи, бунга фуқаролар- нинг ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларига

риоя эتماётганликлари сабаб бўлаётганли- ги маълум бўлмоқда. Шу сабабли "Ёнғин- лар профилактикаси кунини" тадбирлари мо- байнида ШКБга қарашли корхона- ташкилот- ларнинг ишчи-хизматчилари ҳамда маҳал- лаларда фуқаролар билан учрашувлар таш- ки этилиб, уларга суюлтирилган газ бал- лонлари ёпиқ бинодан ташқарида, темир қути ичида сақланиши лозимлиғи, баллон- лардаги ўтказгичлар созланган бўлиши ва қўлбола ясалган электр иситиш печларидан фойдаланмаслик ҳамда мунтазам равишда назорат қилиб бориш зарурлиғи борасида тушунчалар бериб боришмоқда.

Бекмирза ЗИЯТОВ,
ШКБ ОЕМҚ 8-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

Келгуси сонда ▶

НОҚОНУНИЙ ЖИ- НОЙ ЖАВОБ- ГАРЛИККА ТОР- ТИЛГАНЛАРГА ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАШ АХВОЛИ ҚАНДАЙ?

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
UtKirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-3521.
18 775 nusxada bosildi.
Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **G. ALIMOV**
Sahifalovchi: **S. BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxanaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

17 июнь – Дунё бўйлаб қўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш кунини муносабати билан Орол денгизининг қуриган ҳудудига 8 миллион дона саксовул қўчати экилди.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, ҳуқуқий-амалий тажрибаси билан ёш ходимларни тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси **Хуршид Субҳонкулов** кутлуг 60 ёшни қаршилади.



Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон **Камал Зарипов** кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.



Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари тўғрисида барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келаётган инсон **Нурмуҳаммад Абдуллаев** кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура соҳасидаги иш фаолияти давомида Темирийўл туман прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, катта терговчи, Самарқанд вилоят прокуратурасида катта терговчи, бўлим бошлиғи, Сиеб туман прокуратурасида катта терговчи, Ургут туман прокурорининг ўринбосари, вилоят прокуратурасида бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, Пайарикт туман прокурори, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Каттакўрғон туман прокурори, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим катта прокурори лавозимларида самарали меҳнат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Хуршид Субҳонкулов иш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик фазилатлари тўғрисида барчанинг эътиборини, ишончини қозонди. Камтарлиги, фидойилиги, бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлди.

Хуршид Субҳонкуловни кутлуг 60 ёши билан муборакбод этамиз! Унга ва оила-аъзоларига мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси

У Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Айни пайтда у Департамент бош инспектори вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлмоқда. Меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари тўғрисида барчанинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда.

Камал Зариповнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Камал Зарипов, кутлуг 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустахкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти жамоаси

У прокуратура органлари тизимидаги хизмат фаолияти давомида Департаментнинг Наманган вилоят бошқармасида бўлим тафтишчиси, бўлим бошлиғи, Департаментнинг Янгиқўрғон, Наманган ва Поп туман бўлимлари бошлиғи лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Айни пайтда у Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси катта инспектори вазифасида фаолият юритмоқда.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлмоқда.

Нурмуҳаммад Абдуллаевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Нурмуҳаммад Абдуллаев, кутлуг 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси жамоалари



Сарри «Ювентус» бош мураббийи

Италиялик мутахассис **Маурицио Сарри** расман "Ювентус" клубига бош мураббий этиб тайинланди. Бу ҳақда туринликларнинг расмий сайти эълон қилди, италиялик мутахассис "кекса синьора" билан уч йиллик шартнома имзолади.

"Ювентус" жамоаси Сарри учун "Челси" клубига 5 миллион евро миқдорда компенсация пули тўлади.

Маълумот ўрнида, "Челси"да Сарри бир мавсум ишлади. Унинг қўл остида "қўқлар" Европа лигасини қўлга киритди ва Англия премьер-лигасида учинчи ўринни эгаллади.

Янги жамоасида ишга киришиб кетган мутахассис мавсумлар ораллигидаги трансфер режаларини маълум қилди. У жамоасида "Интер" клуби форварди Мауро Икарди ва "ПСЖ" жамоаси ҳимоячиси Маркиньосларни қўришни хоҳламоқда.

Икарди варианты "Интер"даги вазият сабаб амалга ошиши мумкин, чунки "нерадзурри" бош мураббийи Антонио Конте 26 ёшли аргентиналик футболчига қизиқмапти.

Шунингдек, туринликлар "Сассуоло"дан Мерих Демирел ва "Женоа"дан Кристиан Ромероларни харид қилишга яқин.

«ПСЖ» Неймарни сотишга рози

Франциянинг "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Неймар шу ёзда жамоани тарк этиши мумкин.

"L'Équipe" маълумотига кўра, Париж клуби бразилиялик футболчи бўйича йирик таклиф тушган тақдирда, унинг трансферига қаршилиқ қилмайди.

Маълум қилинишича, Неймарнинг ўзи ҳам "ПСЖ"дан кетиш истагида экани ҳақида яқинларига айтган.

Агент Пини Захави унинг Испанияга қайтиши бўйича ишларни бошлаб юборган.

Аввалроқ Франциянинг биринчи рақамли жамоаси президенти Носир Ал-Хелайфи юлдуз футболчиларнинг эркаликларидан тоқати тоқ бўлганини айтиб, уларни сотиб юборишдан ҳам қайтмаслигини маълум қилганди.

Қўшимча қилиш жоиз, Неймар 2019 йил бошидан буён кетма-кет омадсизликка учрамоқда. Кетма-кет дисквалификациялар ва жароҳатлар ортидан у яқинда старт олган Кopa Америка мусобақасини ҳам ўтказиб юбормоқда.

Маълумотларга қараганда, футболчи ўз хизматларини Мадриднинг "Реал" клубига таклиф қилган. Бошқа маълумотларда келтирилишича, Неймар "Барса"га қайтиш ниятида.

"Барселона" раҳбарияти Неймарнинг жамоага қайтишига қарши эмас, аммо бунинг битта шarti бор, деб ёзмақда "El Chiringuito".

Манбага кўра, Каталония клуби Неймардан 2017 йилда "ПСЖ"га ўтиш арафасида бўлган воқеа учун узр сўрашни талаб қилмоқда. Ушанда Неймар ва отаси "Барселона"дан бонус пулларини олиш учун можаро чиқаришганди.

Хабарларга кўра, Неймарнинг агенти айни дамда "Барселона" ва "Реал" билан музокара ўтказаяпти.



«Реал» ой якунига қадар катта трансферга қўл урмоқчи

"L'Équipe" нашрининг ёзишича, "қаймоқранглилар" франциялик футболчи Поль Погба учун 120 миллион евродан кўп тўламоқчи эмас. "Манчестер Юнайтед" клуби эса Погбани 150 миллиондан камига сотмаслигини маълум қилган.

"Реал" клуби масъуллари Погбанинг нархи борасида "МЮ" билан бир тўхтамага келишларига ишониммоқда. Ўз навбатида "Ювентус" клуби ҳам футболчига қизиқиш билдирмоқда.

Туринликлар 26 ёшли футболчини ортага қайтариш учун жиддий бел боғлашган. "Ювентус" жамоаси директори Павел Недвед "Реал" клубидан олдин вазиятни ўз тарафига оғдириб олиш мақсадида франциялик футболчининг агенти Мино Райола билан алоқага чиқиб бўлган.

Маълумот ўрнида, Погбанинг "МЮ" билан тузган шартномаси 2021 йилгача амал қилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди